

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХ ФАНИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ: АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ ТАРИХИЙ-ИЛМИЙ ҚАРАШЛАРИ

З. А. Илҳомов

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, т.ф.н., профессор

Л. Ғ. Мухаммадиев

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Факультетлараро ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистонда тарих ва тарих фанининг ўрганилиши, унинг ривожланиши давлат ва ҳукуматимизнинг алоҳида эътиборида бўлиб келмоқда, хусусан, мустақиллигимизнинг дастлабки чорак асри давомида бу масалага катта эътибор қаратилган бўлса, сўнгги йилларда давлатимиз ва ҳукумат томонидан тарих ва тарих фани, унинг ўрганилишига бўлган муносабат ва эътиборнинг янада юқори босқичга кўтарилганлигини алоҳида эътироф этиб ўтиш лозим.

Калит сўзлар: тарих, ўқитиш, Абу Райҳон Беруний, назарий қараш, Ғарб тарихчилиги.

КИРИШ

Кўпгина ҳолатларда тарихий тадқиқотларнинг йўналишларида ва умуман тарих фани методологиясида ҳориж тарихчиларининг илмий – назарий қарашлари ва хулосаларининг асосий қарашлар сифатида қабул қилинганлигини фан соҳасида яратилган кўпгина илмий ва ўқув адабиётларида кузатиш мумкин. Бошқача айтганда, биз билган ва мавжуд бўлган бугунги тарих фанининг назарий масалалари, фаннинг методологияси асосан XIX - XX аср чегарасида Европа тарихчиларининг назарий қарашлари, илмий ёндашувлари, улар асосида шаклланган турли илмий мактаблар ва илмий-фалсафий йўналишлар ҳамда уларнинг илмий-назарий қарашлари таъсири остида шаклланганлигини кўришимиз мумкин. Албатта бу қарашларнинг остида жуда катта машаққатли меҳнат, беқиёс илмий изланишлар ва натижалар мавжудлигини алоҳида эътироф этиш билан биргаликда, Д.Юм, Л.Ранке, К.Ясперс, Ф.Бродель, М.Барг, Люсен Февр, Е.Топольский, академик И.Ковалченко каби бу борада кўплаб фикрлари, ғоялари, илмий ва назарий қарашларини илгари сурган, турли



баҳс ва мунозараларда уларнинг янада мукамаллик касб этишига катта ҳисса қўшган бир неча ўнлаб тарихчилар ва олимларнинг меҳнатларини алоҳида эътироф этиб ўтиш лозим.

МЕТОДОЛОГИЯ

Айни вақтда яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, тарих фани соҳасида Европада кейинги икки-уч аср давомида илгари сурилган кўплаб илмий назарий қарашлар билан мазмунан яқин бўлган қарашлар шарқ тарихнавислиги, хусусан Ўзбекистон ҳудудларида яшаб ижод қилган бир қатор тарихчиларнинг асарларида ҳам акс эттирилган. Бундай қарашлар тарихнавислик соҳасида, тарихни талқин ва тавсиф қилишда ва бунда амал қилиниши лозим бўлган тамойиллар, манбалар ва далиллар билан ишлаш ва уларни тарихий воқеалар тавсифида қўллаш билиш, ҳаққонийлик, холислик тамойилларига қатъий амал қилиш ва бошқа жиҳатларни ҳам тўла акс эттирган. Бироқ, афсуски, тарих фанининг назарий масалалари ёритилган илмий адабиётларда шарқ тарихчилари ёки тарихнавислик мактабларида мавжуд бўлган қарашлар ва уларнинг жаҳон тарих фани соҳасидаги мавжуд қарашларни ҳам кўрсатиб бера олувчи ва акс эттирувчи ёндашувлар мавжуд эмас.

Ғарб тарихчилиги ва тарих фанининг назарий масалалари борасида мураккаб жараёнлар давом этмоқда экан, шарқ тарихнавислиги ва тарихнависликнинг асосий тамойиллари, айниқса унинг назарий жиҳатлари бугунги кунгача тарихчилар томонидан махсус ўрганилмаган муҳим илмий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ғарчи тарихчилар ва уларнинг тарих асарлари манбашунослик нуқтаи-назаридан тадқиқ этилган ва таҳлил қилинган бўлсада, бироқ бу тадқиқотлардан шарқ тарихнавислигининг назарий масалалари, тарихий ҳодисалар, воқеалар, жараёнларни ёритишдаги бирор-бир йўналиш ёки ёндашувларнинг тамойиллари ва уларнинг назарий асослари борасидаги фикрларни учратиш мушкул. Таъкидлаб ўтадиган бўлсак, Шарқда тарих ва фаннинг назарий масалалари ёки методологияси ва унинг йўналишлари ҳамда турлари ва типлари ғарбдагидек тарзда чуқур ва турли қарашлар асосида “шакллантирилган” эмас. Айнан ана шу ҳолатнинг ўзи ҳам шарқ тарихнавислигининг ўзига хослигини белгилаб беради.

Энг аввало тарих ва тарих фани соҳасида Шарқнинг буюк мутафаккирлари ва ўз даврининг етук олимлари саналган Абу Райҳон Беруний ва Ибн Халдуннинг назарий қарашлари ва ёндашувларини кўрсатиб ўтиш жоиздир. Хусусан, Ибн

Халдун тарихни ўрганиш ва тарих фанини тадқиқ этиш борасида куйидагиларни таъкидлайди: “Фаннинг икки жиҳати бор. Биринчиси қадимги мамлакатлар ва давлатлар ҳақида ҳикоя этувчи ташқи томони бўлса, иккинчиси тадқиқотларнинг тарихи ва янги фикрларни кашф этиш бўлган ички томонидир”. Яъни, Ибн Халдун томонидан нафақат тарихни ўрганиш ва тадқиқ этиш, балки айна вақтда ана шу тарихга оид бўлган тадқиқотларнинг ўзини тадқиқ этиш ва бу борадаги янги илмий натижаларга эришишнинг муҳимлигини кўрсатиб ўтмоқда. Албатта бу фикрларнинг замонавий тарих фани ва тарихшунослик тадқиқотларининг мазмунини акс эттириши шубҳасиздир.

Абу Райҳон Беруний ва унинг тарихий-илмий қарашлари ҳақида эса алоҳида тўхталиб ўтиш талаб этилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Таниқли олима Ф.Сулаймонованинг таъбири билан айтганда -“Тақдир тақозоси билан Беруний номи ва асарлари то XIX асргача Овруполик олимлар диққатидан деярли четда қолиб келган. Фақат 1876-1878 йилларда австриялик олим Эдуард Захау Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарининг арабча матнини чоп эттирди, 1879 йилда эса инглиз тилига таржимасини оммалаштирди. Натижада Овруполиклар кечикиб бўлса-да, Беруний асарлари билан таниша бошладилар”.

Бироқ афсуски, бу нашрлар ҳам Европалик тарихчиларнинг Беруний асарлари билан чуқурроқ танишишга имкон бермади, ҳар ҳолда XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаб ижод қилган Европалик тарихчиларнинг асарларида, хаттоки бугунги кунгача ҳам яратилган илмий тарихий асарларда Берунийнинг тарихий илмий қарашлари ҳақида етарлича фикрлар билдирилмаганлиги шундан далолат беради. Нафақат Европалик тарихчилар, умуман олганда ҳам Берунийнинг тарихий илмий қарашлари ва уларнинг замонавий тарих фани тадқиқотларидаги ўрни масалалари бугунги кунгача ҳам тарихчилар томонидан етарли даражада мукамал ўрганилмаган ва кўрсатиб берилмаган. Ваҳоланки, Абу Райҳон Берунийнинг тарих фани ва унинг тадқиқотлари масаласидаги бир қатор фикрлари замонавий тарих фанининг муҳим жиҳатларини белгилаб берувчи қарашларни тўлақонли акс эттиради.

Бугунги кунда замонавий тарих фани ва унинг предмети сифатида аниқ (конкрет) жамият ва унинг шакллангандан бошлаб таназзулигача замон ва макондаги

тараққиёти бир бутун ҳолатда ва айнаи вақтда унинг ички таркибий тузилишлари, шунингдек бошқа аниқ (конкрет) жамиятлар билан алоқадорлиги ва муносабатлари тушуниладиган бўлса, яъни, Г.Гегелнинг таърифи асосан тарих фанининг асосий предмети инсон фаолиятининг натижаси бўлса, бу борада Абу Райҳон Берунийнинг фикрлари ҳам эътиборга моликдир, унинг таъкидлашича, “... қадимги тарихларнинг энг аввалгиси ва энг машҳури башариятнинг бошланишидир”, яъни, Беруний тарихнинг бошланишини кишилиқ жамиятининг шаклланиши билан боғлиқлигини кўрсатиб беради.

Турли даврларда тарихий манбаларга турлича баҳо берилганлигини кузатиш мумкин. Масалан, XIX аср тарихчи позитивистлари асосан манбаларнинг расмийлиги даражасига (қонуний актлар, дипломатик мазмундаги ҳужжатлар, ҳуқуқий ҳужжатлар кабилар) асосий эътибор қаратганлар ва бундай манбалар тарихий жараёнларни энг тўлақонли ва ишончли акс эттиради деб ҳисоблаганлар.

Беруний ўзининг “Хиндистон” асарида тарихий ўтмишни тадқиқ қилиш жараёнида жуда кўп мартаба “хабар” тушунчаси, яъни тарихий манбалар ва турли китобларда келтирилган маълумотлар борасидаги бир қатор фикрларини билдириб ўтган.

Россиялик тарихчи, академик И.Ковалченконинг фикрича ахборот *очиқ ифодаланган* ва *яширин* ҳолатда (кейингиси кўп учрайди) бўлади. Ахборот белгилар орқали, кўп ҳолларда тил (ёзув) тизимлари орқали ифода этилиши, айнаи вақтда эса сақланиши ва етказиб берилиши мумкин.

Айнан шу масала борасида Беруний X асрдаёқ ўз қарашларини ифодалаб берган эди. Беруний асарида хабар, ахборот борасида билдирилган эътиборни тортувчи энг машҳур жумлаларидан бири - “*хабар кўз билан кўргандек бўлмайди*” жумласидир. Беруний асарининг XX асрда амалга оширилган таржималарида бу жумла ҳақида маълум изоҳлар бериб ўтилган. Шундай изоҳлардан бирида “*Беруний тарихни икки хил усул билан билишни назарда тутаяпти; бири кўриши...*”.

Бизнингча, бу ерда Берунийнинг бу сўзларини бирмунча бошқа маънода талқин қилиш мақсадга мувофиқдир, яъни, Беруний айтганидек, “хабарни кўз билан кўргандек бўлмайди”, хабар тарихий жараёнлар ва ҳодисалар ҳақида турлича ҳолатда бизни воқиф этадиган ҳодисадир, яъни хабар ёки ахборот – замонавий тарих фани методологиясида яққол ифодаланган ва яширин ҳолатда бўлади. Айнан яширин ахборот энг кўп учрайдиган ахборотдир, бу ерда Берунийнинг шарқона

мазмундаги жумлаларига чуқурроқ аҳамият бериб қарайдиган бўлсак, у айнан “*кўз билан кўргандек бўлмайди*”, яъни яширин ҳолатда бўлади, деб таъкидламоқда десак, унинг Х асрдаёқ замонавий тарих фани методологиясида XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб илгари сурила бошлаган ахборотнинг яққол ва яширин эканлигини англатувчи назарияга оид масалаларни илгари суриб кетганлигини кўриш мумкин.

ХУЛОСА

Абу Райҳон Берунийнинг замонавий тарих фанидаги тадқиқот масалалари борасида, манбалар билан ишлаш ва манбавий таҳлилни амалга ошириш борасида, тарихий диахронология ва бошқа шу каби масалалар борасидаги яна бошқа қарашлари ҳақида ҳам кўплаб фикрларни билдириб ўтиш мумкин.

Абу Райҳон Берунийнинг тарихий асарларини яратиши ва унда келтирилган бир қатор илмий-назарий қарашлар ва ёндашувлар Ўрта Осиёда тарихий илмий билимларнинг ниҳоятда юксак бўлганлиги, айниқса, тарих китобларини ёзиш жараёнида тарихийлик, ҳаққонийлик ва холислик тамойилларига қатъий амал қилинганлиги ва бунда маънавий жавобгарлик ҳисси ва масъулиятининг ниҳоятда юқори бўлганлиги тарих фанида назарий масалаларга оид илмий қарашларнинг етарли даражада шакллانганлиги ва мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Бу эса бугунги кунда тарихчи мутахассислар олдида халқимиз бой маданий ва интеллектуал меросининг бир бўлаги бўлган тарих асарларининг нафақат манбавий жиҳатлари, балки уларда акс эттирилган тарих фанининг илмий-назарий масалаларининг мазмун моҳиятини ҳам чуқур илмий тадқиқ этиш ва жаҳон тарих фани тараққиётига қўшган ҳиссасини кўрсатиб бериш вазифасини кўяди.

REFERENCES

1. Devid (David) Yum (ing. David Hume; 1711 yil 7 may (eski hisobda 26 aprel), Edinburg — 1776 yil 25 avgust) – shotland faylasufi, iqtisodchi va tarixchi, publitsist, shotland maorifi arboblardan biri, empirizm nazariyasi vakili
2. Ranke (Ranke) Leopold fon (1795-1886) – nemis tarixchisi. Asosan G‘arbiy Yevropaning XVI-XVII asrlardagi siyosiy tarixi bilan shug‘ullangan. D.Rankening ta’kidlashicha, “tarixni qanday sodir bo‘lgan bo‘lsa, shundayligicha yozish kerak”.
3. Ясперс К. Смысл и назначение истории. М., 1991.
4. Fernan Brodel (fr. Fernand Braudel; 1902 yil 24 avgust — 1985 yil 27 noyabr) – taniqli fransuz tarixchisi, tarixiy



jarayonlarning tahlili va tadqiqida iqtisodiy va geografik omillarning hisobga olinishi fikrini ilgari surgan. Fransuz tarixshunosligining “Annallar” maktabi vakili, ijtimoiy fanlarda tarixiy omillarning o‘rni brasida tadqiqotlar olib borgan, “dunyoviy-tizimli nazariya” (mir-sistemnaya teoriya) asoschisi.

5. Mixail Abramovich Barg (1915 yil 1 may, Satanov, Proskurovsk uezdi, Podolsk guberniyasi —1991 yil 21 may, Moskva) – rus tarixchisi, Buyuk Britaniya tarixi va tarix fani metodologiyasi sohasida yirik mutaxassis, tarix fanlari doktori (1958), professor (1960), Buyuk Britaniya qirollik akademiyasi a‘zosi. M.A.Barg tomonidan fanga *tizimlar* (sistemalar) va *tuzilishilar* (strukturalar), *tizimlar tarkiblari* (podsistema) haqidagi tushunchalar kiritildi.

6. Lyusyeyn Fevr (fr. Lucien Febvre; 1878 yil 22 iyul – 1956 yil 11 sentabr) – fransuz tarixchisi, asosiy tadqiqotlari XVI asr tarixiga bag‘ishlangan. Mark Blok bilan hamkorlikda “Annallar” (“Annali” (1929)) jurnaliga asos solgan. “Annallar” maktabining asoschilaridan biri.

7. Топольский Е. Методология истории. Варшава. 1968.

8. Ковальченко Д.И. Методы исторического исследования. М.Наука. 2003.

9. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Фарб. Т.Ўзбекистон. 1997. 238-б.

10. Илҳомов З.А. Абу Райҳон Беруний ва замонавий тарих таълимининг айрим масалалари/ *Pedagogik ta’lim*. 2014 yil. 6-son. 55-59-бб; Илҳомов З.А. Абу Райҳон Беруний ва тарих фани тадқиқот услубларининг назарий масалалари. Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқоти методлари ва методологиясининг долзарб масалалари” мавзусидаги Республика илмий назарий конференцияси. Тошкент. 2015 йил. 159-163-бб; Илҳомов З.А. Абу Райҳон Беруний ва тарих фанида ахборотнинг назарий масалалари “Жанубий Ўзбекистон тарихи, археологияси, этнологияси янги манбаларда” Республика илмий-амалий конференция тўплами. Қарши, 2016 йил. 22-25-бб; Илҳомов З.А. Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида тарих фанининг долзарб масалалари. “Фан ва таълим-тарбиянинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро илмий-назари ва амалий анжуман материаллари. Нукус. 2016 йил. 23-24 ноябрь. 10-13-бб; Илҳомов З.А. Тарих дарсларида манбалардан фойдаланишнинг айрим назарий масалалари (Берунийнинг “Ҳиндистон” асари асосида). *Pedagogika jurnali*. 2016 у. 3-son. 115-119-бб; Z.A.Ilhomov. Tarix fanida manba va axborotning nazariy masalalari (Abu Rayhon Beruniyning ilmiy-nazariy qarashlari va zamonaviy tarixshunoslik tadqiqotlari tahlili asosida). “Шарқ алломалари ёзма меросининг илмий, фалса-фий, маънавий тафаккурдаги

ўрни” Республика илмий ан-жумани материаллари. Тош-кент, 2020 йил.

11. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т.Фан. 1968. 50-б.

12. Репина Л.П. История исторического знания: пособие для вузов. 2-е изд., М.: Дрофа, 2006. 32-б.

13. Ковальченко Д.И. Методы исторического исследования. М.Наука. 2003.

14. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. . Ҳиндистон. Т.Фан. 1968. 238-б.

15. Ковальченко И.Д. Методы исторического исследования. М., «Наука». 1987.

